



Шаҳримизнинг ҳамма районларида ҳалқ ноиблари Кенгашининг сессиялари бўлиб ўтди. Уларда Ўзбекистонда Хокимлик тизими ўз фаолиятини бошлагандан бери ўтган бир йилга яқин вақт ичида қилинган ишлар таҳлил қилинмоқда, келажак режалари ҳусусида, эришилган ютуқ ва камчиликлар борасида очиқ-ойдин фикрлар айтилди, мулоҳазалар байъ этилди.

Юнусобод район Кенгашининг IX сессиясига ноиблардан ташқари корхоналар, ташкилотлар, маъмурий идораларнинг раҳбарлари, Ўзбекистон ХДП район Кенгаши ходимлари, жамоат ташкилотларининг вакиллари ҳам қатнашдилар.

Район ҳокими Р. А. Калонов ўз ҳисоботини янгича шартларда иш юритишнинг афзалликлари ҳақида таъкидлашдан бошлади.

Ўттиз бораётган 1992 йилнинг 28 январида «Ўзбекистон Республикасида маҳаллий ҳокимликларни қайта ташкил этиш тўғрисида»ги қонуни қўриб чиқиб, сессиямиз нарҳотира асосан район Кенгашининг раёсати ва унинг ижроия қўмитетини тугатиш, унинг ўрнида район ҳокимлигини ташкил қилинганига мана 11 ойдан ошди, — деб таъкидлади маърузачи. Ушбу қонуни асосан ҳоким маҳкамаси тугилиб, сессиямиз таъкидланган тизим асосида 3 мажмуа-йўналиш бўйича иш олиб борилади. Булар ижтимоий-сиёсат таълимлари, иқтисодий маъмуас ва уй-жойлардан фойдаланиш, қурилиш ва коммунал хўжалиги мажмуаларидир.

Район ҳокимлари ҳисоб бермоқдалар

ЯНГИЧА ИШ ЮРИТИШ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Нисбатан қисқа вақт ўтганига қарамай бу ислоҳот ва янгича иш юритишлар ўзининг бир қанча афзалликларини кўрсатмоқда ва ижтимоий-маданий хўжалик юритишда масъулият ва жавобарликни чуқур сезиб, ижрочилик интизомини кучайтириш асосида келгуси ишларимизни ривожлантиришимизга мадад бермоқда.

Районимиз келгуси ривожини йўлида ечимини қутиб турган муаммоларни ва катта миқдосда эга бўлган масалаларни Кенгашимиз доимий комиссия раислари ва депутатлардан, ҳоким муовинлари, корхона ва ташкилот раҳбарлари ва жамоатчиликдан ташкил топган Маслаҳат кенгашида қўриб чиқиб, зарур бўлгандагина муаммоларимизни ҳал қилиб беришни шаҳар Ҳокими маҳкамаси олдига қўйиб, келишилган ҳолда ва маслаҳат асосида ишламоқдамиз.

Сўнг район ҳокими иқтисодийнинг энг муҳим қисми бўлган саноат ҳақида тўхтади.

Районимизда саноат ва ҳалқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш билан асосан 18 саноат корхоналари, 224 ширкат, 304 кичик корхона, 18 ассоциация ва 7 та қўшма корхоналар жами бўлиб 896 ишбилармонлик тузилмалари шугуллашади. Илб босилган бери улар ёрдамида 2 миллиард 385 миллион сўмлик саноат ва ҳалқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилиди.

Лексин шунга қарамай, айрим муаммоларга қара, 1991 йилнинг шу даврига нисбатан 84 миллион сўмлик саноат моллари кам ишлаб чиқарилиди ёки бу кўрсаткич ишлаб чиқаришнинг 96 фоизини ташкил этди.

Мажмууд ҳолатини тузатиш ва бир мунча меъёраштарини мақсадида корхоналаримиз ўзларининг ишлаб чиқариш технологияси жараёнларини тақомиллаштириш, янги саноат молларини ўзлаштириш ва ишлаб чиқаришни қайтадан ихтисослаштиришга киришдилар.

Мисол учун «Зенит» заводи ўз лойиҳаси бўйича махсус микроэлектроника маҳсулотини ишлаб чиқаришга мўлжалланган эди. Аммо шарт-шароитлар ўзгариб бу маҳсулотга талаб пасайиб кетганини сабабли, 1992 йилда бу ерда неон чирқовлари, телевизор ва видеомагнитофонларнинг маъсуфдан бошқарувчи тизимлари, видеолеплер ва телевизорлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Асбосозлик заводида кесиб дастаҳқорларнинг янги технологияси ўзлаштирилди. Ўзбекистон қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводида қирқувчи-урққ машиналарини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Бундан ташқари «Технолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, асбосозлик, абразив, «Зенит» заводлари ва бошқа корхоналарда чет эл фирмалари билан ҳамкорликда барпо этилаётган қўшма корхоналарнинг қўшаётган ҳиссалари ҳолатини бир мунча тузатишга ёрдам бермоқда.

Молия-бюджет масалалари юзасидан эса районда аҳвол куйидагича.

Район бюджетини даромад бўйича 124,5 фоизга бақарилиди. Лексин бу кўрсаткичнинг келиб қишиши авваламанбор нарҳна-воларнинг ошиб кетиши ҳисобига бўлди ҳамда корхоналарнинг қўшимча даромадига солиқдан солиқдан 12 миллион сўм ва даромадан олинган солиқдан 33 миллион сўм ортиқ тушган пуллар ҳисобига бўлди. Иқтисодийнинг нотекис ҳаракатларига қарамай, районнинг ижтимоий-маданий ривожланиши учун мўлжалланган маблағлар тўла ўзлаштирилди ва бу тадбирларга қўшимча равишда бюджетдан 1 миллион 119 минг сўм сарф этилди.

Бундан ташқари бюджет етишмовчилигини янгилашиб бораётган корхоналар ишлаб чиқариш даромадларидан олинган солиқлардан тўлдирилмоқда. Ҳоким-

лик ҳозирги кунда келгусини қўлаб олиб бораётган ишлардан бири бу республика миқдосида барпо этилаётган кошер ва ассоциациялар, қўшма корхона ва бирлашмалари Юнусобод райони ҳудудида жойлаштиришга қаратилган ҳаракатлардир. Чунки бу ишбилармонлик тизимларининг олиб борадиган фаолиятларидан бюджетга катта даромадлар келиб тушади.

1992 йилда шунингдек, районда истиқомат қилувчи барча табақаларнинг ижтимоий муҳофаза қилиш борасида ҳам аниқгина ишлар қилинди, — сўзида давом этди ҳоким. — Районимиз ижтимоий-таъминот бўлимидан нафақалар олувчилар сони 36 мингга яқин кишини ташкил этди. Шулардан 1022 киши Ватан уруши ногиронлари ва 1167 киши уруш қатнашчилари.

Фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилишда ҳар бир шахснинг ўзига хос хусусиятларини илжои борича қўзда тутиб иш олиб боришга катта аҳамият берилди. Районимизда Ватан урушининг I гуруҳ ногиронлари 177 нафар бўлиб, уларнинг ҳаммалари оталиққа олинган. Мисол тариқасида «Наврўз» айёми кунларида уларга Туркиядан келтирилган хайр-аҳсонлар улашилди. Булар ичида ёғ, туруч, ун, шакар каби озиқ-овқат маҳсулотлари бор эди. Бундан ташқари 350 кишидан ортиқ ёлғиз қариялар, кўп болали оилалар, уруш ногиронлари, қатнашчиларига ва бошқа кам таъминланган оилаларга йил бўйи ўтказилган байрам ва бошқа тадбирларда 45 тонна гўшт, 2400 килограмм ун, 2400 килограмм туруч, 2400 килограмм ёғ маҳсулотлари бепул тарқатилди.

Ижтимоий янгилашган зағларнинг ошиб кетганлиги учун қўлдоғини бадаллар берилди. Районимизнинг бу тоифаданги фуқароларига 33 миллион 522 минг сўм сарф қилинди. Умумий сони 215 та қариялар имтиёз тариқасида коммунал тўловлардан, уй-жойлар учун тўловлардан озод қилинди, шаҳар транспортидан юриш ва тибиёт дорин-дармонларидан бепул фойдаланиш имтиёзидан фойдаланмоқдалар.

Ҳозирги бозор муносабатларига ўтиш даврида мажмууд бўлаётган иқтисодий танглик капитал қурилиш ва коммунал хўжалигини юритишда ҳам кўпгина муаммоларни вузудга келтирмоқда.

Хаммамизга маъмулик, қурилиш материалларига нарҳ-навоқинг ошishi туфайли бир квадрат метр турар жойини қуриш таннархи давлат учун 13 минг сўмни, яъни бир квартиранинг ўртача нархи 250-350 минг сўми ташкил қилмоқда.

Ушбу қийинчиликларга қарамай районимизда жорий йилда давлат капитал маблағлар, ижара ва акциядор корхоналар маблағлари ҳисобига 63,3 миллион сўмлик асосий фондларини ишга тушириш, 496 миллион сўмга яқин капитал маблағлар ҳамда 387,2 миллион сўмлик қурилиш-тиклаш ишлари ўзлаштирилди. Бу эса режага нисбатан бирмунча кўпдир.

Ташкилотлар ва маҳаллий бюджет ҳисобидан қурилган 10 та кўп қаватли уй биноси, шаҳримизда ягона «Нуронийлар оромгоҳи» ва шаҳар ички ишлар бошқармасининг спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди.

Юнусобод метро тармоғи қурилишида ҳам бир мунча ижобий ишлар, ўзгартирилган рўй бермоқда. 1995 йилда тармоқнинг биринчи навобати, яъни 3 та станциясини фойдаланишга топшириш мўлжалланмоқда.

Ҳозирги кунларда, ўзининг яқинига яқинлашган қурилушлардан 9-маевдаги 4 та ширкат уйлари, Орипов-Муртазов кўчаларидаги 2 та 9 қаватли турар-жой биноларини мисол қилишимиз мумкин.

10 минг номерлик 25-АТС қурилиш фойдаланишга топширилиш арафасида. Район ташаббуси билан ҳокимлик қўшида капитал қурилиш бошқармаси тугилиб, унинг асосий вазифаси қилдиб қурилуш ишларини мувофиқлаштириш назорат остига олиш ва ижтимоий-маданий нишотларнинг қурилушини буюртмачи сифатида жадаллаштириш, яъни келгиларда эса айрим керакли қурилуш материалларини ишлаб чиқариш вазифалари юклатилди.

Бу йил 259 та оила уй-жой билан таъминланди. Лексин, шунинг қайд қилини керакли, буларнинг ичида айрим оилаларнинг ўта оғир турмуш шартининг ҳисобига олиб район ҳокимлиги ташаббуси билан, ноибларнинг муражаатларини инобатга олиб катта жавабарликни ўз зиммасига олган ҳолда навобатдан ташқари капитал таъмирлаш талаб хонадонларини номинал нарҳда 60 оилга сотиб, уй шартонлари яхшилаб берилди.

Бундан ташқари район бўйича бўлиб ётган ерларни тафтиш қилиб, уни шахсий уй-жой қурилишига берилиши тўғрисидаги тақлиф билан шаҳар Ҳокими маҳкамасига чиқилди. Ҳозир бу масала ижобий ҳал этилди ва таъминан юзга яқин навобатда турган оилга ер берилди.

Сўнг ҳоким ўз маърузасида районда қиши маъмулга тағйергарлик юзасидан қилинган ишлар, маданий-маънавий, таълим-тарбия ва ҳуқуқ-тартибот масалалари, «Маҳалла» дастури, уй-жойларни ҳусусийлаштириш борасида амалга оширилётган ишлар ҳамда келгусига режалаштирилган вазифалар ҳусусида батафсил тўхтади.

Сессияда шунингдек, район ижтимоий-таъминот бўлимининг мудираси Бектўхон Ражабова, Тошкент шаҳар Кенгашининг депутаты, ҳуқуқшунос Кабир Қокилов, район соғлиқни сақлаш бўлимининг мудираси Мунира Шаҳбова, асбосозлик заводининг директори Голыутдинов, ХДП район бюросининг аъзоси Қўбил Зоиров, «Ўзбекистон мустақиллиги» маҳалла қўмитетининг раиси Ғаммазар Қодировлар ҳам сўзга чиқиб ўтган вақт ичида ўз соҳалари бўйича районда қилинган ишлар, эришилган ютуқ ва камчиликлар, ҳокимлик фаолияти ва ҳисобот маърузаси юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Қўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг янги тахрирдаги лойиҳаси ҳам муҳокама этилди.

Даллол ИСРОИЛОВ.

НОГИРОНЛАР РАҲМАТ АЙТИШДИ

ҚИЗИЛ Ярим Ой жамияти жамғармасига маблағ тулаш ўн қулниги муносабати билан «Матонат» спорт клубининг автомобильлари ширтирида автопойга бўлиб ўтди. Автомобил ва мотоциклга ҳайдовчилари «Қизил Ярим Ой жамияти» муҳри туширилган ўз транспортларида шаҳримиз кўчаларини айлаиб чиқилди.

Клубимиз қўшидан бошланган бу юриш шаҳар бўлаб давом этиб, Қизил Ярим Ой жамияти биноси олдига келиб яқунлади, — дейди клуб мутасаддиларидан Игорь Лосевий. — Бунда ногиронлар машина ва мотоциклларини йўл ҳаракати қондаларига мувофиқ бошқарганлигини ДАН ходимлари назорат қилиб бориши, 9 та автомашина ва бир нечта мотоциклдан спорт клубимиз иштирокчилари намуналик бошқарилиди. Бунинг эвазига жамият томонидан ҳар бир иштирокчи учун эсдалик совғаси тангадан ташкил топширилди. Бундан мумун вақдан ногиронлар маъмури бўлиб, раҳмат айтишди.

Гузода АБУДУЛЛАЕВА.



Тошкент исиқлик ишлаб чиқариш маркази бу йил ҳам қишга яхши тайёргарлик билан келди. Бунда корхона ишчиларидан Валерий Сердюков ҳамда Людмила Подварковаларнинг



ҳам ҳиссаи бор, албатта. Айни пайтда улар ўз вазифаларини сийқидилдан бажариб, ҳамкасблари ҳурматини қозонишмоқда. СУРАТЛАРДА: (чапда) Валерий Сердюков ва Людмила Подварковаларнинг

КУПДАН БУЙИ ўзимга мос ихчам, енгил ва бежирим оёқ кийимини топпай юрган эдим. Тунов кунини кечкурун ишдан уйга қайтиб, энди оқватланганга ўтирган эдим турмуш ўртоғим: «Дадаси, мана бунинг кийиб кўрингил, сизга тўғри келармикин!» деб олдимга бир жуфт туфли қўйди.

— Кўришини чакки эмас, Чарми ҳам юмшоқ экан, Ўзимизникими? — Тошкентда ҳам мана шундай ҳаридорғир, пишқи-пхта тикилган пой-ёбзаллар ишлаб чиқарса булар экан-ку! Менимча, агар пой-ёбзалчиликмиз бундан бундан ҳам ҳар кимнинг динига мос, юқори сифатли маҳсулот тайёрлаш йўлидан Борселер, аминманки, хоридордан келтирилган оёқ кийимларни дўконма-дўкон излашга ҳожат қолмайди.

Шундан сўнг бизда ушбу меҳнат жамоасининг амалга ошираётган ишлари ва келгуси режалари билан иқидан танишиш истаги туғилди ва эртасигаёқ Думбробод даҳасида, анкироғи метронинг Собир Раҳимов Бекати бикинда жойлашган корхонага йўл олдик.

Корхонанинг янги бош директори Бахтиёр Зоҳидов бизни очик чеҳра билан қарши олди. Олдиндан шунинг айтиш керакики, Бахтиёр ўз меҳнат фаолиятини ушбу бирлашманинг 5-чиқеда уста ёрдамчиларидан бошлаган. Сўнгра уста, смена бошлиғи, чех бошлиғи лавозимларида ишлаган. Хуллас, ўз ишини яхши билиши, тиришқоқлиги, меҳнатга чанқоқлиги ва ишчиларга қайишиши туфайли мансаб пиллавоқиндан асте-секин юқорига кўтарилди. Шу йилнинг август ойида эса пой-ёбзалчилик акцидлик билан уни корхона директорлигига сайлашди. Бизнинг у билан гапимиз жуда бир-бирига қовушимиз, сўхбатимиз кизгини тўста олди.

— Мажмууд корхона ишга туширилган пайтдан бошлаб, яъни 1972 йилдан бунинг шу ерда меҳнат қилман, — деди у. — Шу сени корхонанинг ўтмишининг унинг паст-беландикин ахши биламан, Тўғри, бунинг яшириш-

нинг ҳолати йўқ. Илгари маҳсулот-леримизнинг сийқатсизлиги учун савдо хошобчиладан қўллаб эйтирозлар, харидорлардан эса шикоятлар келиб турарди. Чунки ўшанда малака ишчиларга ва замонавий асбоб-ускуналарга катта эҳтиёж сезардик. Шунинг учун бўлса керак, ўша кез-

дашайтганликларидан, бизга хом ашё етказиб берувчи корхоналар билан алоқаларини тобора мустақамлашиб бораётганлигидан далолат беради.

Пировард натижада ойлик режаларини ошириб урдалаётганлигимиз ва шунинг эвазига фойда кўраётган-

водларига қатнаб, хром, табиий ва сунъий чариларни, бошқа зарур хом ашёларни етказиб турибдилар. Келтирилган юкларни ўз вақтида тушириб, цехларга тарқатишда юк ташувчи Зоҳид Шарпов айниқса жонбозлик кўрсатмоқда. Хуллас, жамоамиз эришяётган муваффақиятларда бизнинг ҳам салмоқли ҳиссамиз бор.

Корхона касеба уюшмасининг раиси Толиб ака Жўравнинг хонасида ишчиларга яратилган шарт-шароитлар, буш вақтларини қандай ўтказяётганликлари ҳусусида сўхбатлашдик.

— Аввало, шунинг қайд қилини керакики, Бахтиёркор корхонамизга директор этиб тайинланганидан сўнг ишимизда жонланиш кўзга ташланиб, ишчилар тўғрисида гапхўрлик кучайди, — дейди Толиб ака. — Ҳозир 1600 нафардан энди ишчи-ишчиликмиз икки сменеда меҳнат қилмоқдалар. Бугунги кунда улар навобати билан ҳафтасига икки кун дам олмақдалар. Яъни бу ҳафтада ким биринчи сменеда ишласа, ўша ишчи бир кун, келгуси ҳафтада иш иккинчи сменега тўғри келиши сабабли икки кун дам олади.

Бирлашма қошда иккита боғча, ётоқхона, билим юрти, саргаршоҳона, чойхона, ноноойхона меҳмууд. Бир йўлга 300 ўғилга мўлжалланган шинамига охиноамиз ҳам икки сменеда ишлайпти. Бундан ташқари ҳар бир чехда юмшоқ мебеллар билан жиҳозланган дам олиш хоналари бор. Ишчиларимиз тушлик ва ишдан буш пайтларида ана шундай меҳмуудларга жойлашган сўмлик оромгоҳларда ҳордиқ чиқаришни хоҳловчилар имтиёзли йўлланмалар билан таъминланмоқда.

Ҳа, Толиб ака ҳақ гапни айтиди. Чиндан ҳам раҳбар ишбилармон ва куюнчак бўлиб ўз кўп остидагиларга гапхўр бўлиб иш тутса, белгиланган режалар доимо ўз вақтида бажарилаверади. Бунга биз 2-пойабзал бирлашмасида бўлган пайтимизда амин бўлдик.

Исмомил ЗОИРОВ.

ОДАТДА уч-тўрт ел йиғилиб қолгудай бўлишса, сўхбат қизгандан қизилди. Улар бир-бирларини танишмаса ҳам бир зумда тил топишиб кетадилар. Айниқса, фикрлари тўғри келадиган аёллар ўртасидаги сўхбатларнинг ўзинга хос гапши бор. Тошкент шаҳар хотин-қизлар комитетини қўшида фаолият кўрсатаётган «Аёллар давраси» клубининг ҳар бир урғушувчи, бир пилла охи устидаги қизгини сўхбатлар ана шундай файзли ўтмоқда.

Бу даврани турли соҳанинг вакиллари ташкил қилади. Улар орасида фан докторларидан тортиб уй бекаларигача бор. Мақсад ва режалар бир хил бўлганлиги учун бир-бирларини жуда яхши тушунадилар. Клуб машғулотларини шаҳар хотин-қизлар комитетини раисининг ўринбосери Муборак опа Юнусқўева бошқарапти.

Яқинда ўтказилган навобатдаги учрашувда «Аёл ва жамият» деган мавзуда қизгин мусоҳабба бўлди. Аёлларнинг жамиятда тутган ўрни ҳақидаги сўхбатни тарих фанлари доктори Дилором Алимова бошлаб берди.

— Утмишда ўзбек хотин-қизлари сийсий тузумга қарши бош кўтарганлар, — деди у. — Масалан, 1914 йилда Рузвон бибн Мухаммадқонова бошчилигидаги мардонкорликка қарши уюштирилган қўзғолон-чоғида мунозарага сабабчи ҳалларда, муассасалар ва бошқа жойларда ўз фаолияти-бушаштирмаслигимиз лозим.

О Санаъат Маҳмудова, жур-налист: — Болаларимизни ҳунарли қилиб тарбиялашимиз керак.

О Санаъат Азизова, тибиёт фанлари доктори, профессор: — Аёлларимизнинг уйда ўтиришларига мен қаршман. Чунки унда на унинг иши битмади, на қўганини, Ишласанлар. Феқат аёлларга енгиллик яратилиши яхши бўларди. Биз ма-

Биринчи ўргангани тош, кейингиси қум деганларидай, кейингиси тўқилса, биринчиси қолди. Майил, аёл уйда ўтирма-син, лекин лоқал бир соат вақтини фэрзанд тарбиясига ажратили зарур. Уларнинг меҳнатини енгиллашти, иш бўларди. Улар ўз жамоаларида яратилаётган шарт-шароитлар ҳақида ўртоқлашсинлар. Бизинг оларимизни жамиятда фойда келтиришларига қарамай нафақага чиққанларда кейин эйтибордан четда қолмақдалар. Биз бунга йўл қўймаслигимиз зарур... Сўхбат қизгандан қизиди. Бирча дилдаги гапларини очик-

— Кейинги пайтда эркакларимизда аёлларга нисбатан меҳр-шайқат қамайиб бораётган. Биз йиғилишимизга аёллар кўп ишлайдиган корхона, ташкилотларнинг раҳбарларини тақлиф қилдик, айни муудоа бўларди. Улар ўз жамоаларида яратилаётган шарт-шароитлар ҳақида ўртоқлашсинлар.

О Санаъат Маҳмудова, жур-налист: — Дилбар Маҳмудова, жур-налист:

О Санаъат Азизова, тибиёт фанлари доктори, профессор: — Аёлларимизнинг уйда ўтиришларига мен қаршман. Чунки унда на унинг иши битмади, на қўганини, Ишласанлар. Феқат аёлларга енгиллик яратилиши яхши бўларди. Биз ма-

Биринчи ўргангани тош, кейингиси қум деганларидай, кейингиси тўқилса, биринчиси қолди. Майил, аёл уйда ўтирма-син, лекин лоқал бир соат вақтини фэрзанд тарбиясига ажратили зарур. Уларнинг меҳнатини енгиллашти, иш бўларди. Улар ўз жамоаларида яратилаётган шарт-шароитлар ҳақида ўртоқлашсинлар.

Бизинг оларимизни жамиятда фойда келтиришларига қарамай нафақага чиққанларда кейин эйтибордан четда қолмақдалар. Биз бунга йўл қўймаслигимиз зарур... Сўхбат қизгандан қизиди. Бирча дилдаги гапларини очик-

— Мана сизларнинг бир-бирингизга бўлган меҳрингиз, қўллаб-қувватлашларингиз жулда ёқди. Очиги, ҳавасим келди. Гарчи ўзбек тилини яхши тушунамасам ҳам мунозара қизгин бўлганлиги сезилиб турди. Ҳа, Адам Наби ҳақ гапларини айтиди. Бундай баҳслар тез-тез ўтказилиб турилса аёлларимизнинг ўз ҳақ-қўқуларини енгиллашлари, турмуш муаммоларини баҳамжиқат ҳал қилишларида катта ўрин тутарди.

Назира СОДИҚОВА.



Пойтахтимиздаги 24-мактаб кутубхонаси доимо ўқувчилар билан гапхўр бўлади. Бу бекиз эмас, албатта. Мажмууд билим ўчоғида кўп иллардан бери ишлаб келаятган Шоира Насриддинова ўқувчиларни бадиий адабиётга қизиқтиришга олган. Айни пайтда кутубхонанинг 42 мингдан ортиқ китоб жамғармаси бор. Теэ-теэ ёзувчи ва шoirлар билан учрашувлар ўтказилади, китобхонлар анжумани ташкил этилади. Буларда жонқур кутубхоначи Ш. Насриддинованинг муносиб ҳиссаи бор. СУРАТДА: зинқор ўқув хонасида болаларга китоб ташлашда кўмак бераётган пайти акс эттирилган. Равиль Альбеков сурати.

Бир корхона янгиликлари

МАҲСУЛОТ АЙИРБОШЛАНДИ

ЎРТА Осиё кабеллар ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Техносервис» ижара корхонасида йил бир хайрли иш йўлга қўйилди. Бирлашма бош дарвозаси олдида ташкил этилган қўллик тўхташ жойида автомобилларни жорий солаш участкаси очилди. Участкида малакали ташмиричи ва соловчилар ишлашмоқда. Эндиликда кабелсозлар шахсий автомобилларини ремонт қилдириш учун устакхона қидириб овора бўлишмайдил. Шунини эйтиборлини, ижара корхонаси жорий солаш ишлари учун хизмат ҳақини бошқа устакхоналардаги қараганда арзонроқ қилиб белгиланган. МДХ республикаларидаги корхоналардан эҳтиёт қисмларини эса товар айирбошлаш йўли билан сотиб олин-пти.

Садриддин ШАМСИДИНОВ.





# ЧОРРАҲА



ГАП йўл ҳаракати қондалари ҳақида борар экан, мени доимо бир савол ўйлантириб келади. Нима учун ҳайдовчи йўл ҳаракати қондаларини бузадми? Менмча гап унинг йўл қўйган қондабузарлиги учун жазодан осонгина кўтирилиб кетишида, йўқса, ўйлаб кўрарди.

Маълумки, ҳозирги вақтда республикамизда фуқароларнинг ҳайдовчилик гувоҳномасига оғоҳлантириш талони қайта жорий этилди. Унчага кейинги икки-уч йил ичида ҳукм сурган талонсизлик даври ҳайдовчилар орасида интизомни жуда ҳам бўшаптириб юборган эди. Чунки қондабузар неча марта қондани бузишдан қатъи назар 10 сўм миқдорда жарима тўлаб кетаверар, қондабузарликнинг тақририйлиги ҳисобга олинмас, ҳайдовчилар агар ичмаган бўлса ва тўқнашувга йўл қўймаса, бундан ортқ жазо йўқ эди.

Ҳозирги талон қайта жорий этилиши билан қондабузарликнинг тақририйлиги жорий этилди. Жарималар миқдори оширилди. Агар ҳайдовчи биринчи сафар қондабузарга 50 сўм миқдорда жарима тўласа, иккинчи сафар 100 сўм тўлайди ва ҳайдовчилик гувоҳномаси йўл ҳаракати қондалари бўйича назарий билими имтиҳон билан сингалта, имтиҳонни муваффақиятли топишга қайтариб берилади. Ва ҳар бир қондабузарлик ҳақида оғоҳлантириш талонига белги қўйилади. Айтиш мумкинки, талон ҳайдовчининг тартиб ва интизомлилигини кўрсатувчи ойнадир.

Хўш, янги жорий этилган тартиб-қоидага ҳайдовчилар қандай қарашмоқда? Айтиш мумкинки, аксарияти салбий. Ким билан гаплашсангиз «Илгар икки эди», — дейди. Мен бир нарсани тушуна олмаман — илгари ни-

- Тошкент шаҳар Ҳокими**
- Маъқамаси Ички ишлар бошқармаси Давлат автомобиль назорати йўл-патруль хизмати полковник катта назоратчиси, милиция кичик лейтенанти
  - Вахром Қурбонов
  - Ўзига белгиланган ҳудуддаги йўл тартибни ҳаминга сергаллик билан кузатади.

Михаил Татарников сурати.



## ҲАРАКАТ ХАВОСИЗЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН

ТОШКЕНТ шаҳар Ҳокими Маъқамаси Ички ишлар бошқармасининг Давлат автомобиль назорати бошқармаси ва шаҳар кинофильмларидега йўл ҳаракати хавфсизлиги фильмлари намойишининг 10 кунлигини ўтказишмоқда. Бундай фильмларни ҳаммаёқларимиз Фурқат, К. Ерматов, Муқимий, Лисунов номли, «Москва», «Дўстлик», «Нукус» ва бошқа кинотеатрларда кўрмоқдалар.

Намойиш этилаётган фильмларнинг бош мавзуси йўл ҳаракати қондалари юзасидан бўлиб, унинг хилма-хил томонларини ёритибдики, бу шехримиз кўчаларида қондабузарликнинг олдини олади деган умиддамиз. Зеро мақсадимиз битта, автомобиль инсонларга хурсандчилик келтирсин, бекатсизлик келтирувчи манбага айланмасин.

Фильмлар намойиши 10 декабрда юқорида номлари зикр этилган кинотеатрларда давом этади.

Даврон НУРМАТОВ.

## \* Ҳайдовчи ва йўл қондаси АГАР ТЎҒРИ ЮРСАНГИЗ...

«Яхши» эди? Жаримани тўлаб ким машинани қандай ҳолатда шундай ҳайдайверишимиз? Ҳар биринчи кўчада ўзини билгандай юрарсак қонун-қоида ким учун? Умуман, ҳозирги вақтда йўл ҳаракати қондаларига амал қилмай катта шаҳарларда машина бошқариш мумкинми? Тошкент шаҳарларида катта-катта чорраҳаларда светофор йўл қондаси йўл ҳаракати бошқарувчи йўқ бўлса нима бўлишини кўз олдинга келтириш.

Қондабузар ҳайдовчининг бир ҳолда тўғри тушуниш мумкин. Барча йирик мавжудотлар каби инсонда ҳам ўз-ўзини ҳимоя қилиш туғуси мавжуд. Шу жиҳатдан қараганда у қондани бузганлиги учун жазога тортиладиганини билади. Ана шу жазо турини иложи борича енгиллатишга ҳаракат қилади. Бунинг учун эса ДАН назоратчиси жаримани жойида тўлашга ҳаракат қилишади. Ваҳоланки, ҳозирги қонун-қоидада бунга йўл қўймайди. Назоратчи маъмурий протокол тўлдирини керак ва ўшанга биноан ҳайдовчидан ҳайдовчилик гувоҳномасини олиб қўйди. Жаримани эса қондабузар кассага тўлаб, гувоҳномани маъмурий бўлидан қайтариб олиши керак. Қарангки, қондабузар ҳайдовчи бунга ҳам рози, ҳатто қанчадир қўшимча тўлашга ҳам рози, фақат оғоҳлантириш талонига белги қўйилмас бис. Шу ерда бир савол турлади: ҳайдовчи нима учун оғоҳлантириш талонига ҳар қандай йўл билан бўлсада белги қўйдирмасликка ҳаракат қилади? Чунки у ўзининг қондани бузмасдан машина миёна олишига кўзи етмайди. Кўнглида қондабузарга бўлиши бор. Йўқса у талонини қонун-қоидага мувофиқ олиб, энди ҳаракат қондаларини бузмасдан машинани бошқаришга интилади. Йўқ, у бундай қилмайди. Иложи бўлса талонини тоза олиб, яна ўзи билгандай юришга ҳаракат қилади. Кези келганда муҳтарам ҳайдовчиларимизга яна бир нарсани эслатиб қўйиш жоиз. Ҳар хил йўллар билан талонини белги қўйдирмаган ҳолда қайтариб олишга эришилсада, иккинчи марта яна қондабузарликка йўл қўйилса барбир у имтиҳонга юборилаверади. Чунки ҳар бир қондабузарлик электрон-ҳисоблаш машинаси ҳотирасига жойлаб борилади ва бир йил муддатга сақланади. Ҳар бир янги содир бўлган қондабузарлик эса оғоҳлантириш талонига белги бор-йўқлигидан қатъи назар ЭХМда текшириб қўрилгач маъмурий чора тури аниқланади.

Қисқа қилиб айтганда, олдинги йўл ҳаракати қондаларини бузиш оқибатида қанчадан-қанча оғоҳлантирилган келиб чиқади. Светофор чироғи, йўл белгилари ва чизмалари талабига сабр-тоқат билан риоя қилиб юрлса, аччигина кўнглисизликларнинг олдини олиш мумкин. Албатта, ҳайдовчилик гувоҳномасини олдириб қўйиш ҳамма учун ҳам кўнглисиз ҳодисадир. Тўғри, баъзан айрим наложимонлар назоратчи «Узинг олдинг, ўзинг олиб бериб берсан» — дегувчи ҳоллар ҳам учраб туради. Лекин барбир ушларнинг ҳам хотиржамлиги бузилади. Ҳайдовчилик гувоҳномасини олдириб қўйган одам токи уни қайтариб олмагунча кўнгли тинчмайди. Ҳақиқатан ҳам шундай эканлигига гувоҳномасини олдириб қўйган одам билан суҳбатлашсангиз ишончингиз комил бўлади. Шундан келиб чиққан ҳолда фикр юритадиган бўлсак, бесабрлик ва бепарволик оқибатида қандайдир дақиқаларни қизганиб қанчадан-қанча вақт, асаб ва соғлиқдан айрилгандан кўра ҳаракат қондаларига амал қилиб юрлса одам гулистон.

**Рамаздин МУХИТДИНОВ,**  
Тошкент шаҳар Давлат автомобиль назорати бошқармаси ходими, милиция катта лейтенанти.

ОДАТДА Давлат автомобиль назорати ҳақида ёзилар экан, гап айлиб бориб йўл ҳаракати қондабузарлигига ёхуд йўл-транспорт ҳодисаларига таъналади. Мана шу олдинги кўнгли ҳолатлардан катта-катта муаммолар келиб чиқади. Мана, масалан шу йилнинг 4-ноябрда Акмал Икромов районидagi Янка Купала кўчасининг «Универсам» бекатида 12 ёшли 3. Одилонини номаълум ҳайдовчи бошқарган автомашина уриб юборди. Оқибатда бола тан жароҳати олиб 2-район клиник касалхонага ётқизилди.

Насалхонадан ДАН нинг навбатчилик қисмига ана шу ҳодиса ҳақида хабар келгач, хали назар сомулмасдан қидирув ишларини ташкил қилиш вазифаси қидирув бўлими назоратчилари — милиция катта лейтенанти Ш. Бегимбетов ва милиция кичик лейтенанти К. Толиповларга юклатилди.

Ҳодиса ҳақида маълумотни қабул қилиб олгач, ҳар икки назоратчи дарҳол фойжа юз берган жойга боришди. Ҳодисанинг қай тарзда юз берганини кўрган бир-бир кимсани топиш мақсадида ўша ердаги дўкон сотувчиларидан, ўтинчилардан, жамоат транспорт воситалари ҳайдовчиларидан сўров-суриштирув ишлари олиб боришди. Ва натижада бола уриб юборган машина маркази ва давлат рақами аниқланди. Бу ИЖ—2125 маркали, оқ рангли 6557 ТН рақамли машина эди. Сирдан қараганда иш деярли якунланган эди. Биргина вазифа — машинанинг ҳисоб варақасидан эгасининг қаерда туриши аниқланса бас. Худди шундай ҳам қилинди, бироқ у машинада ҳеч қандай йўл транспорти ҳодисаси излари ва аломатлари йўқ бўлиб чиқди. Шундан сўнг ИЖ—2125 маркадаги Тошкент шаҳрида ҳисобда турган барча машиналар эгаларининг

турар жойлари аниқланди. Нима бўлганда ҳам бир беғунох бола уриб қочиб кетган ҳайдовчининг топиш керак. Шунинг учун ҳам ҳар бир машина қатъий текширувдан ўтказилди.

Шундай текширув ишлари билан Нозимхошим Ҳўқасидagi хонадонлардан бирига кирганимизда Ч 7657 рақамли оқ ИЖ—21251 маркали машинанинг олд қисмидаги пачоқ жойи янгигина таъмирланганлиги билини турарди. Бу

## \* Бир ҳодиса изидан КЎЗА КУНИДА СИНАДИ

машина А. Тожибоева тегишли бўлиб, уни миниб юриш учун унаси М. Тожибоева бериб қўйган экан. Текширув, сўров, суриштиришлардан сўнг инкор этиб бўлмас далиллар олдидега оғоҳ қолган Маҳмуд қилишини бунга олди. Ҳозирги кунда иш терговда.

Бу ҳодиса Бегимбетов ва Толиповларнинг изчиллик билан олиб бораган ишлари натижасида бир неча-кундуз мобайнида очилди. Бу биргина ҳодисанинг очилиш тарихи, ҳоло. Ваҳоланки, йил бошидан буён ўтган 10 ой мобайнида ана шундай ҳодисалар 561 марта юз берди. Улардан 45 тасининг оқибати ўлим билан якунланган. Лекин милиция подполковниги Р. Даминов бошчилиги қилаётган қидирув бўлими ходимларини самарали ишлари натижаси-

да 401 ҳодисанинг айбори топилди. Оқибати ўлим билан тугаган ҳодисалардан 28 таси очилди. Айни чоғда қочқо ҳайдовчиларни қидириб топилса кечани-кеча, кундузи-кундуз демай ишлаётган қидирув бўлими ходимларидан бўлим ходимлари ўрнбосари, милиция капитани С. Акбаров, катта назоратчи, милиция катта лейтенанти И. Ўтбосаровларнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш зарур. Уларнинг ҳар иккиси бўлимининг бошқа ходимларига ўрнбосари бўлишмоқда. Улар зинга тушган қондабузар ҳайдовчи топилмасдан қолмайди.

Илгари ҳам кўп марта айтилган, фойжа юз бергач қочиб қолди, қидирув ишлари натижасида топилди, икки ҳисса айбдор бўлгандан кўра вақтида жабрланувчига ёрдам бериш инсонийликдан эмасми? Тан олиш керакики, йўл-транспорт ҳодисаси содир этиб қочиб кетмаётган ҳайдовчиларнинг ҳаммаси ҳам топилавермайди. Бу тўғри. Лекин улар қонундан қочингани билан ўзалигидан қочиб қутила олмади. Кўза кунда эмас, кунда синади, деган нақл бор. Бугун қочиб кетгани билан эртага бошқа бир иш билан қўлга тушадики, унисидан қочиб қутила олмади.

Ҳаёт давом этапти. Эндиғина маюкур мақолага нўқта қўймоғи эдик, навбатчилик қисмидан янги хабар бўлди. Абдулла Қаҳҳор кўчасидаги 19-поликлиника рўпара-сида номаълум ҳайдовчи бошқарган ЛИАЗ автомашинаси бир аёлни уриб юборган, ҳайдовчи эса жуфтани рўстлаган. Зудлик билан қочқо ҳайдовчининг топиш учун қидирув бўлими ходимларидан Ўтбосаров ва Юсуповлар ҳодиса юз берган жойга кетишди...

**Толиб ОРТИҚБОВ,**  
Тошкент шаҳар Давлат автомобиль назорати бошқармаси қидирув бўлимининг катта назоратчиси, милиция капитани.




Илдан-йилда шаҳримизнинг чиройи очилди, замонавийлаштирилди. Суратдаги машиналар оқинида бир назар ташланг. Худди гарб мамлакатларидаги тизиз соғатлардаги вазиятни эслатади. Буни кўриб, уларнинг ҳаракатини моҳирона бошқариб турган, кўчадаги тартибни бир маромад сақлашда жонбозлик кўрсатаётган Давлат автомобиль назорати ходимларининг хизматига беҳишёр тасаннолар ўқийсан, киши.

Рустам Шарипов сурати.

Йўл ҳаракати қондаларини пишиқ-пухта бишиш транспорт орали юз берадиган бахтсиз ҳодисаларнинг бир-мунча камайишига олиб келади, албатта. Шунинг ҳисобга олиб биз йўл ҳаракати билимдонлари, ҳайдовчилар, автоҳаваскорлар диққатига навбатдаги топириқларни ҳавола этаёмиз.


1. Ўнчадаги биринчи суратда ҳайдовчи ўзи учун йўл берадиган кўч чироқ бишишни кўтиб ўтирмадан чорраҳани тарқ этгани мумкинми? (Изоҳ: тепадаги светофорда қизил, пастда эса кўч чироқ ёниб турибди).
2. Машиналарини чизик билан кўрсатилган тартибда қувиб ўтаётган ҳайдовчи йўл ҳаракати қондаларини бузиштинми?

## БИЛИМДОНЛАР ДИҚҚАТИГА!



в) — агарда машинанинг тезлиги соатига 90 километрдан кам бўлса қондани бузмапти.

Жавобларингизни кутамиз.



Муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ.

**ТИЖКОРАТ ЖАВОБЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР**

Россия-Франция фирмасининг Урта Осиё давлатларига хизмат кўрсатувчи «Тереза—Азия» бўлими.

**TEREZA**

Озиқ-овқат, қандолат ишлаб чиқариш, матлубот жамиятларининг ишлаб чиқариш саноатлари, концентратлар, мева, сабзавот ва ичимликлар ишлаб чиқариш, пардоз-андоз, ювчи воситалари ишлаб чиқариш, жамоа ва давлат хўжалиқлари маҳсулот ишлаб чиқариши билан шугулланадиган бошқа барча турдаги корхоналар ва хўжалиқларга хорижий давлатлардан олинмаган қуйидаги ҳам ашёлар билан таъминлаш хизматини

**ТАКЛИФ ЭТАДИ:**

- Озиқ-овқат маҳсулотларига ҳид, таъми, ранг киритувчи ашёлар;
- Озиқ-овқат ҳамда қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда қўлланиладиган ҳид, таъми, ранг берувчи ашёлар;
- махсус зинаворлар, соус, ҳид берувчи ашёлар; — алкоғолли ва алкоғолсиз ичимликларга қўлланиладиган ҳид, таъми, ранг киритувчи ашёлар.

Ҳом ашёлар табиий экзотик ўсимликлар, мева ва ширкатларидан тайёрланган бўлиб, тайёр маҳсулотлар сифати, таъмини жаҳон бозорларидан ўрин оладиган юқори сифатли маҳсулотлар даражасига қўйилади.

Ҳом ашёлар учун ҳисоб-китоб ишлари муомаладаги сўм (рубль) ҳисобидега олиб борилади.

Ҳом ашё маҳсулотлари Тошкент шаҳрида жойлашган оморлардан савдога чиқарилади. Шартнома ва буюртмалар бўйича қуйидаги мансабга мурожаат қилишингиз мумкин: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Юнусовоб район, Абдулла Қодирий кўчаси, 36-уй. «Тереза—Азия» фирмаси. Телефон: 34-75-83.

## «ИСТЕЪДОД»

ИЖОДИИ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ФИРМАСИ

1993 йилда қуйидаги ишларни бажариб бериш юзасидан

корхона, ташкилот ва фуқаролар билан ШАРТНОМАЛАР ТУЗАДИ

- ишлаб чиқариш, манший бинолар ва хонадонларда фирма материали ҳисобидан ганч уймакорлиги;
  - нақш безаклари бериш;
  - буюртмачи материалдан ёғоч уймакорлиги ишларини бажариш;
  - биноларнинг ички ва ташқи тарафини қадимги миллий анъаналар асосида жиҳозлаш.
- Манзилгоҳимиз: 700014, Тошкент шаҳри, Юнусовоб даҳаси, 19-мавзе, 37-уй.
- Телефон: 22-84-81.

ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШ ҚУРИЛИШ МАҲҚАМАСИ

ҚУРИЛИШ КАСБЛАРИДАГИ ҚУИДАГИ

ИШЧИЛАРНИ ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:

- гишт терувчилар,
  - дурадгорлар,
  - пардозловчилар (бўёқчи, сувоқчи, кошчиловчи),
  - бетончилар,
  - ёрдамчи ишчилар.
- Малакали ишчининг ўртача иш ҳақи 7—8 минг сўмни ташкил этади. Ёлғизлар ётоқхона билан таъминланадиган.
- Мутахассислиги бўлмаганлар Тошкент шаҳар Бош қурилиш маҳқамасининг Ўқув-курс комбинатида ўқитиладиган.
- Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳқўчаси, 16 «а» уй, Тошкент шаҳар Бош қурилиш маҳқамасининг расмийлаштириш бошқармаси.
- Телефонлар: 33-60-35, 39-19-57, 45-46-59, 78-05-15.

**ЦИРК**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 12/ХII да соат 14.00 да; 13/ХII да соат 12, 15.00 да икки бўлидан иборат «Дўстлар цирки» янги цирк дастури.

**ТЕАТР**

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТАТЕАТРИДА — 8/ХII да Зебуниссо (18.00).

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-текиншиқ институти жамоаси институтинг етқиқи илмий ходими У. Ж. Жуматовга отаси

**Жуматбой ШОНИЕВНИНГ**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси жамоаси бошқарма бошқарининг муовини Г. С. Гойибоевга онаси

**Мунорам АРСЛОНОВАНИНГ**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси жамоаси бўлими бошлиғи С. А. Аҳмадқоновга онаси

**Хурр АҲМАДҚОНОВАНИНГ**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Геология ва минерал ресурслар давлат комитети ва «Ўзбекгадрологиз» бирлашмаси жамоалари бирлашманинг умумий бўлими бошлиғи Т. Ф. Тожибоевга онаси

**Пўлатой ГҲЛОМОВАНИНГ**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**Тошкент оқшоми**

МУАССИСЛАР: Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.

Шанба ва яқшанбадан ташқари ҳар кунин ўзбек тилида чиқади.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76, катталар — 33-29-70, 32-53-79; эълон ва тижкорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича 32-81-42, 32-55-34, 33-56-67.

Эълонлар ва тижкорат хабарлари зинч ва тўғрилиги учун жавобгарлик уларни берган ташкилот ва шахслар зинмасидадир.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашрият-матбаатчилик концернининг босмаҳонаси.